**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил ____________ қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири уни бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун биттадан нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**"Ўзбектелеком" АК**<br>**Андижон филиали Асака телекоммуникациялар боғламаси** | **АБОНЕНТ:**<br>**"Андижон вилояти ҳокимлиги Халқ қабулхоналари"** |
|---|---|
| Манзил: Андижон шаҳар Лермонтов кўчаси 12-уй<br>Банк маълумотлари: "Алокабанк" Андижон филиали<br>х/р: 20210000104074838308;<br>СТИР: 203366731;<br>МФО: 00401; АТБ "Алокабанк"<br>Тел: 74 2265656;<br>E-mail: andtel@uztelecom.uz;<br>Регистрационный код плательщика НДС: 326030013817 | Манзил:<br>Абонент х/р:<br>Банк маълумотлари:<br>х/р:<br>СТИР: 200283180<br>МФО:<br>Банк номи:<br>Тел:<br>E-mail: |
| Оператор номидан:<br>____________ Каюмов Н.О<br>м.ў. | Абонент номидан:<br>____________ /имзо/ /раҳбар Ф.И.Ш./<br>м.ў. |

2022 йил “____” ____________
№ 05_1147/2880- сонли
абонент шартномасига
1–илова

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Нуқталар сони | Ойлар сони | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | **I. Бир марталик тўловлари** | | | | | |
| 1.1 | Кенг полосали хизматларга Уланиш учун тўлов | - | Нархнома | 1 | 1 | - |
| 1.2 | Модем акцияси учун тўлов | - | Буйрук № 54 | 1 | 1 | - |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | | |
| 2.1 | Абонент тўлови (Бюджет.Уз ва бошка тарифлар бўйича 2 мбит/с тезлик) 1 ойлик чекланмаган трафик буйича | 200 000 | Нархнома | 1 | 1 | 200 000 |
| 2.2 | Абонент тўлови йиллик жамланмаси | 200 000 | Нархнома | 1 | 3 | 600 000 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | | 600 000 |

Шартноманинг умумий миқдори 600 000 (Олти юз минг ) сўмни ташкил этади, 30 % миқдоридаги ҚҚС ни инобатга олган холда.

Ундан 200 000 (Икки юз минг )сўм миқдорида ойлик абонент тўловини ташкил қилади.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Андижон филиали Асака телекоммуникациялар боғламаси**

**Оператор номидан:**

Бошлиқ Н. Каюмов

м.у.

**АБОНЕНТ:**
**“Андижон вилояти хокимлиги Халк кабулхоналари”**

**Абонент номидан:**

О. Зайнобидинов /имзо/

м.у.